

Жаннат соғинчи



11:47 / 08.08.2018 8004

Боғимизда гуллар очилди. Расулulloҳ (с.а.в): **“Менинг нуридан яралган!”** дея таърифлаганлари жаннат гулларининг ифори таралди атрофга. Булбулларнинг рашкини келтирган гулларнинг хуснидан таралган муаттар ис руҳни оҳиста аллалайди. Ҳеч қандай парвариш талаб қилмайдиган, баҳор бошланганида гўзаллиги ва ифори билан нафосатини ёйишга шошиладиган бу гуллар борлиқга ўзгача нафас бағишлайди.

Ўтган ҳафта дала ҳовлига келганимизда оппоқ нилуфар гуллари, манолия дарахти ифоридан баҳраманд бўлдик. Ҳали мактабдан таътил берилмагани учун дам олиш кунларини дала ҳовлимизда ўтказиб, уйга қайтамыз. Бу ерда ўтадиган кунларимиз манолия гуллари қордек оппоқ япроқларини тўкиб биз билан видолашадилар. Албатта бу йил учун. Аммо хафа бўлмайман. Чунки айвонимиз яқинидаги жўка дарахти ғунчаларини бир-бир очиб, худди Жаннатнинг қайсидир гўшасидан келган муаттар исларни тарата бошлайди.

Бу гўзалликларга муносиб бўлиш учун бирор заҳмат чекмайман. Чунки боғимизни суғоришга ҳам, бирор нима экишга ҳам вақтим йўқ. Бу гўзал гулу гиёҳларни куп-қуруқ тупроқдан ундирган Қудрат соҳиби осмондан ёғдирган раҳмат ёмғири билан уларни суғориб, эҳтиёжи учун зарур минераллардан шу тупроқ орқали баҳраманд этади. Сўнг: **“Олинг, бу**

Жаннат ифорларини бандаларимга улашинг!- дейди гулларга. - Шундай баҳраманд этингки, гуллари ҳеч сўлмайдиган, боғлари хазон кўрмайдиган Менинг боқий дунёимга шавқлари, иштиёқлари ортсин! Ва ўзларини қандай гўзалликлар кутаётганини мулоҳаза қилсинлар!”

Туркчадан Умида АДИЗОВА таржимаси